

**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,  
МЧЖ шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик  
ташкилоти**

**«BUXORONEFTGAZPARMALASH» АЖнинг 2022 йил  
молиявий хўжалик фаолияти якуни бўйича  
ўтказилган аудиторлик текшируви юзасидан**

**А У Д И Т О Р Л И К Х И С О Б О Т И**

**2023 йил Қоравулбозор шаҳри**

<b>I. КИРИШ ҚИСМИ</b> .....	4
<b>Аудиторлик текшируви методологияси ва умумий характеристика:</b> .....	5
<b>Жамиятнинг ҳуқуқий асослари, тузилиши ва фаолият турлари.</b> .....	6
<b>Молиявий ҳисоботлар</b> .....	6
<b>II. ТАХЛИЛИЙ ҚИСМ</b> .....	7
<b>Бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва ички назорат тизими:</b> .....	7
<b>Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активлар ҳисоби.</b> .....	10
<b>Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (0600)</b> .....	11
<b>Товар моддий захиралар ҳисоби.</b> .....	11
<b>Ишонч қоғозлари</b> .....	12
<b>Дебитор қарзлар ҳисоби.</b> .....	12
<b>Банк орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар.</b> .....	13
<b>Кредитор қарзлар ҳисоби.</b> .....	14
<b>Хусусий капиталлар ҳисоби</b> .....	15
<b>2022 йил якуни бўйича “Молиявий натижалар ҳисоботи” (2-шакл) тахлили</b> .....	15
<b>Асосий фаолиятнинг даромадлари</b> .....	16
<b>Сотилган маҳсулот (иш хизматлар) таннархи</b> .....	17
<b>Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари аудити</b> .....	17
<b>Давр харажатлари</b> .....	18
<b>Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ</b> .....	20
<b>III. ЯКУНИЙ ҚИСМ</b> .....	20
<b>Аудиторлик текшируви якуни бўйича тавсиялар:</b> .....	20
<b>Аудиторлик текшируви якуни бўйича хулоса</b> .....	21

**«BUXORONEFTGAZPARMALASH» АЖнинг 2022 йил якуни бўйича молиявий хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказилганлиги юзасидан АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ**

11.12.2023 йил

Қоравулбозор шаҳри

**I. КИРИШ ҚИСМИ**

**ТЕКШИРИЛАЁТГАН ТАШКИЛОТ ТЎҒРИСИДА:**

**Корхона номи:** «BUXORONEFTGAZPARMALASH» Акциядорлик жамияти

**Юридик манзили:** Buxoro viloyati, Qorovulbozor tumani, Qorovulbozor shahri Buyuk Ipak Yo'li ko'chasi, 4-uy.

**Банк реквизитлари:** Хисоб рақам 20210000300425261001 АТБ "ЎЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" Қоравулбозор филиали, МФО: 00085. СТИР: 200978613.

**Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома:** Бухоро Хокимияти қошидаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекция томонидан 11 июл 1996 йилда №1/101-сонли гувоҳнома берилган. Статистик хос рақамлари: ТХШ - 153, ДБИБТ – 79994, ИФУТ – 09100 - Neft va tabiiy gaz qazib olish sohasidagi texnik xizmatlar

**АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТЎҒРИСИДА:**

**Аудиторлик ташкилоти номи:** МЧЖ «NAZORAT-AUDIT» АТ

**Юридик ва почта манзили:** Ўзбекистон Республикаси, 100081, Тошкент шаҳри, Госпитал даҳаси 11/2, тел: 78-150-23-01, тел./факс: 150-23-01

**Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома:** Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 11 декабр 2007 йилда № 545 сонли гувоҳнома.

**Аудиторлик лицензияси:** Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 28 июл 2008 йил АФ №00067 барча хўжалик юритувчи субъектларни текшириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома.

**Банк реквизитлари:** Хисоб рақам: 20208000604007713001 ХАТБ «DAVR-BANK» Чиланзор филиали, МФО-01046, СТИР 202884570, ИФУТ 69201.

**Аудиторлик ташкилоти рахбари:** Назаров Баходир Нематович САР, Аудиторлик малака сертификати № 05207, 2014 йил 26 апрел куни берилган.

**Аудитор:** Назаров Баходир Нематович САР, Аудиторлик малака сертификати № 05207, 2014 йил 26 апрел куни берилган.

## Аудиторлик текшируви методологияси ва умумий характеристика:

Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «NAZORAT AUDIT» аудиторлик ташкилоти билан «BUXORONEFTGAZPARMALASH» акциядорлик жамияти ўртасида 2023 йил 1 декабрдаги №80/02-23 сонли шартномага асосан МЧЖ «NAZORAT AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Б.Н.Назаров томонидан «BUXORONEFTGAZPARMALASH» акциядорлик жамиятининг 2022 йил молия хўжалик фаолияти якуни юзасидан 01.01.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача бўлган даври учун тузилган “Корхона баланси” – форма №1, “Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот” – форма №2, шаклларида иборат молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Молиявий хисоб кўрсаткичлари тўғри тузилганлиги маъсулияти жамият раҳбарияти зиммасига юклатилган. Бизнинг вазифамиз ўтказилган аудиторлик текшируви асосида ушбу молиявий ҳужжатлар қонунийлиги юзасидан тўғри хулоса чиқариб беришдан иборат. Аудиторлик текшируви аудиторлик фаолияти халқаро андозалари асосида ўтказилди.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни, Халқаро Аудит андозалари ҳамда Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар коидаларига мувофиқ ўтказилди.

Аудит жараёнида ҳужжатли текшириш усули қўлланилиб, хисоботлар қуйидаги ҳажмларда кўриб чиқилди:

молиявий хисоботлар – шаклий ва арифметик жиҳатдан, горизонтал ва вертикал тарзда;

хисоб юритишнинг кабул килинган журнал-ордер тизими бўйича бирламчи ҳужжатларни аудит текшируви учун зарур бўлган ҳажмда танланма тартибда;

бошқа ишлаб чиқариш омилларининг ички хисоб тизимига таъсирини баҳолаш – танланма тартибда.

Аудиторлик текширувини ўтказиш мобайнида қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилди:

Халқаро Аудит андозалари;

Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия хисоби миллий андозалари;

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўғрисида» ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, юридик шахсларни солиққа тортиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатлар;

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни;

Бошқа ахборотлар.

Текширилаётган давр мобайнида барча кирим ва чиқим ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан жамият бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимида 2022 йил бошидан 2022 йил 19 август кунига қадар Хусаинов Халмурзо Турамуратович, 2022 йил 19 август кунидан шу кунгача Бакаев Бахтиёр Мирзоевич ишлаб келмоқда.

2022 йилда жамиятда барча кирим ва чиқим ҳужжатларига иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан жамият бош хисобчиси лавозимида 2020 йил 3 ноябр кунидан бошлаб шу кунгача Рустамов Хусниддин Рустам ўғли ишлаб келмоқда.

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги Қонунга кўра, Аудиторлик хисоботи бўйича аниқланган маълумотлар махфий тижорат сири хисобланиб, маълумотларни томонларнинг розилигисиз ошкор этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

## Жамиятнинг ҳуқуқий асослари, тузилиши ва фаолият турлари.

«BUXORONEFTGAZPARMALASH» акциядорлик жамияти (Кейинги матнларда Жамият деб юритилади)нинг Устави Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида ишлаб чиқилган, Бухоро вилояти Қоравулбозор тумани Хокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 1996 йил 11 июлда №1/101 рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган. «BUXORONEFTGAZPARMALASH» акциядорлик жамиятининг янги тахрирдаги Устави Бухоро вилояти Қоравулбозор тумани давлат хизматлари Маркази томонидан 2022 йил 29 июлда № 530846 рақам билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

Юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Қоравулбозор тумани, Қоравулбозор шаҳри Буюк ипак йўли кўчаси 4 - уй.

## Жамиятнинг асосий фаолияти мақсади ва вазифалари

Жамиятнинг ўз тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади фойда олишни кўзловчи тижорат ташкилоти ҳисобланади.

Жамиятнинг фаолиятининг предмети бўлиб, нефт ва табиий газ қазиб олиш соҳасида турли техник хизматлар кўрсатиш ҳисобланади.

Жамият қуйдаги фаолият турларини амалга оширади:

Нефт ва газ қудуқлари қурилиши, Нефт ва газ қудуқларини қазиб олиш, уларни синовдан ўтказиш ва хоказо кўплаб бошқа турдаги фаолиятлар;

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги тамонидан тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир.

Лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият, Жамият тамонидан тегишли лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

## Жамиятнинг Устав фонди

Бухоро вилояти Қоравулбозор тумани давлат хизматлари Маркази томонидан 2022 йил 29 июлда № 530846 рақам билан қайта давлат рўйхатдан ўтказилган «BUXORONEFTGAZPARMALASH» акциядорлик жамиятининг янги тахрирдаги Уставига биноан жамиятнинг устав жамғармаси 22744120,0 минг сўмни ташкил этади.

Устав фондидаги таъсисчилар улушлари қуйдагича тақсимланган:

- Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги – 11667733,56 минг сўм (Ўзбекистон миллий валютасида) 51,30 % ;
- Эркин савдо ва чет эл инвесторлари улуши – 11076386,44 минг сўм (Ўзбекистон миллий валютасида) 48,70 % ;

Жамият устав фондини ҳақиқатда шакллантирилиши таҳлил этилганда, аудитга тақдим этилган «1-С Предприятие 8.3» бухгалтерия дастури ва олдинги текширувлар маълумотларига кўра жамиятнинг устав фонди тўлиқ шакллантирилган.

## Молиявий ҳисоботлар

Аудиторлик текширувига Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича жамиятнинг қуйдаги молиявий ҳисоботлари ва ҳужжатлари тақдим қилинди:

-Бухгалтерия баланси -1 сонли шакл;

-Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот -2 сонли шакл.

Аудиторлик текширувига юкоридаги молиявий ҳисоботлари, иловалар, молиявий хўжалик фаолиятига боғлиқ дастлабки ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, шунингдек солиқлар бўйича ҳисоботлари тақдим қилинди, аудиторлик текширувига 2022 йил бошига ва охирига бухгалтерия сўётлари бўйича қолдиқлари ва баланс қаторлари кўрсаткичлари ёйилмалари (расшифровкалари) тақдим этилди.

## II. ТАХЛИЛИЙ ҚИСМ.

**Бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва ички назорат тизими:**

Аудиторлар томонидан корхона бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими ҳолатини аудит таҳлилида қуйидагилар аниқланди, жумладан:

- Жамият бухгалтерия ҳисобини юритиш 2022 йилда «1-С Предприятие 8.3» дастуридан фойдаланилган ҳолда юритилган.

-харажат ва даромадлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Махсулотлар (иш хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотишда харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида» ги Низоми асосида юритилиши лозим.

-солиқ ва ажратмаларни ҳисоблаш ва ўтказиб боришда солиқ кодексига амал қилинган.

-харажат ва даромадлар ҳисоб варақлар хар ҳисобот даврида (йил якуни бўйича) ёпиш ва улар орасидаги фарқ сумма асосида корхона фойдаси ёки зарарини аниқлаб бориш йўлга қўйилган.

-бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар тузиш ҳисобчи зиммасига юклатилган бўлиб, бухгалтерия ҳисоби бўйича барча ҳисоб реестрларини юритади, бухгалтерия ўтказмалари беради ва ҳисоботларни тузади.

### **Ҳисоб сиёсати.**

Жамиятда хар бир жорий йил учун Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандарти (БҲМС) №1 бўйича ҳисоб сиёсати ва ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 77-моддасига бинаон солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсатлари ишлаб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда № 474 сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда N 17-17/86 сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти БҲМС №1 "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот"га мувофиқ ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш ҳамда тузиш учун фойдаланиладиган махсус тамойиллар, қоидалар ва амалий ёндашувлар тўпламини кўрсатиб бериши лозим. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати № 1 сонли БҲМС асосида тузилиб субъект раҳбари томонидан тасдиқланиши ва йил давомида ўзгартирилиши мумкин эмас.

Жамиятда 2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти БҲМС №1 "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот"га мувофиқ ҳисоб сиёсати ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 77-моддасига бинаон солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсатлари ишлаб чиқилган.

Солиқ солиш объектлари ва (ёки) солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ҳамда тизимлаштириш, шунингдек солиқларни, йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тузиш мақсадида

ушбу Кодекс талабларига мувофиқ солиқ тўловчи ёки солиқ агенти томонидан ҳисоб ҳужжатларини юритиш солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олиш деб эътироф этилади.

### Активлар сақланиши.

Ўзбекистон Республикасининг "Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш" тўғрисидаги 19-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига кўра – "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 28.08.98 йилда 486-сон билан рўйхатга олинган "Товар-моддий захиралар" деб номланган 4-сон БҲМАга биноан товар-моддий захиралар бир йилда камида бир марта инвентарланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 23.09.98 йилда 491-сон билан рўйхатга олинган "Асосий воситалар" деб номланган 5-сон БҲМАга мувофиқ асосий воситалар икки йилда камида бир марта инвентарланади. Пул маблағлари, пул ҳужжатлари, бойликлар ва қатъий ҳисобдаги бланклар ойда бир марта, ёнилғи-мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари - ҳар чорақда инвентарланади" - деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш" тўғрисидаги 19-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига асосан инвентарлашнинг асосий мақсадлари мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, ҳақиқатда мавжуд мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш, мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текширишдан иборат.

Жамиятда 2022 йилда товар моддий қийматликларни сақланиши бўйича жамият ҳисобидаги барча товар моддий қийматликлар моддий жавобгар шахслар бўйича Жамият раҳбарининг 23.09.2022 йилдаги №120-сонли инвентаризация ўтказиш тўғрисидаги буйруғига асосан ташкил этилган инвентаризация комиссияси томонидан инвентаризация ўтказилган.

Инвентаризация натижасига кўра ортиқча ёки камомадлар борлиги аниқланмаган.

### Тавсия этилади:

*Жамият раҳбариятига "Инвентарлашнинг ташкил этиш ва ўтказиш" тўғрисидаги 19-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига асосан моддий жавобгар шахслар алмашганда ва қонунчиликда белгиланган муддатларда инвентарлашни ўз вақтида ўтказиб борилишини таъминлаш тавсия этилади.*

### Шартномалар тузилиши бўйича.

Жамият томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга буюртмаси асосида коммунал ҳамда эксплуатация хизматлари кўрсатилган. Кўрсатилган хизматлар муомилалари 2 томон ўртасида тузилган шартнома асосида бажарилиб келинган. Тузилган шартномалар бир йиллик муддатларга тузилган.

Ушбу муомилалар бўйича шартномалар юридик шахслар билан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролик кодекси" ва 29.08.1998 й. N 670-I «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида тузилиши кўрилганда қуйидагилар аниқланди:

Шартномаларда ҳисоб-китоб қилиш тартиби, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёритилган, 2022 йил учун шартномаларни рўйхатга олиш электрон тартибда амалга оширилган. Электрон сайтлар орқали ёки ташкилотлар билан тўғридан-тўғри тузилиб жўнатилган ва қабул қилинган шартномалар қоғозга печат қилиб чиқарилиб, алоҳида папкаларга реестри билан тикилиб сақланган.

Шартномалар тузилиши белгиланган юқоридаги меъёрий хужжатлар талабига мос келиши ўрганилганда шартномаларда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 21 моддасига мувофиқ шартномалар юрист имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Текширилаётган Жамиятда юрист лавозимида ишловчи ходим шартнома асосида меҳнат қилиб келган.

**Тавсия этилади:**

Жамият раҳбариятига шартномаларни тўғри тузилиши ва шартнома шартларини тўғри бажарилишини назоратга олиш, икки томон вакиллари иштирокида далолатномалар билан расмийлаштириш чора-тадбирларини белгилаш тавсия этилади.

**Кадрлар бўлими.**

2022 йил 1 январь ҳолатига ишчи ходимлар сони 416 нафарни ташкил этган. 2023 йил 1 январь ҳолатига ишловчи ходимлар сони 425 нафарни ташкил этган.

Жамиятда кадрлар билан ишлаш бўйича алоҳида штат мавжуд.

Жамиятда руйхатда турган барча ишловчилар билан меҳнат шартномаси тузилган. Моддий жавобгар шахслар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган. Меҳнат дафтарчалари тўлдирилган ва сейфда сақланади. Буйруқлар кайдномаси бўйича дафтар юритилган. Ходимларни ишга қабул қилиш, бўшатиш ва бошқа ўзгаришлари бўйича буйруқлар алоҳида папкада сақлаб келинган.

Ходимлар бўйича шахсий делолар мавжуд бўлиб, тегишли хужжатлар шахсий карточкалар, буйруқлар, ариза, паспорт нусхаси, маълумоти хақидаги хужжатлар нусхалари ва бошқа тегишли хужжатлар илова қилинган.

Меҳнат жамоаси (касаба уюшмаси) ва иш берувчи Жамият раҳбарияти ўртасида касаба уюшмаси иштирокида 2020-2022 йиллар учун «BUXORONEFTGAZPARMALASH» акциядорлик жамиятининг «Жамоа шартномаси» ишлаб чиқилган ва томонлар вакилларининг имзолари билан 2020 йилнинг 21 декабрь куни имзоланган.

Жамиятда 2022 йилда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, мукофотлаш, моддий рағбатлантириш тўғрисидаги ички Низомлар ишлаб чиқилган. Ички меҳнат тартиби ва касб йуриқномалари ишлаб чиқилган.

**Тавсия этилади:**

Жамият раҳбариятига Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунларига асосан ишга қабул қилинган ва бўшатилган барча ходимларни Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизими сайтида электрон рақамли имзо орқали меҳнат дафтарчаларини ва иш стажларини юритилишини таъминлаш тавсия этилади.



## Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активлар ҳисоби.

Жамиятда «1С Предприятие 8.3» бухгалтерия дастури маълумотлари бўйича 2022 йил 1 январь ҳолатига 151827086,2 минг сўмлик асосий воситалар мавжуд. Уларнинг эскириши 137841526,3 минг сўм бўлиб, қолдиқ қиймати 13985559,9 минг сўмни ташкил этади. 2022 йил давомида баланс қиймати 203739,1 минг сўмлик асосий воситалар киримга олинган бўлиб ҳеч қандай асосий воситалар ҳисобдан чиқарилмаган. 2023 йил 1 январь ҳолатига 152030825,4 минг сўмлик асосий воситалар мавжуд. Уларнинг эскириши 146360491,5 минг сўм бўлиб, қолдиқ қиймати 5670333,8 минг сўмни ташкил этади.

Асосий воситаларга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 306-моддасида белгиланган норма асосида 2022 йил давомида 8518965,2 минг сўм эскириш (амортизация) ҳисобланган.

Жамиятнинг бухгалтерия дастури маълумотлари бўйича 2023 йил 1 январь ҳолатига асосий воситалари турлари бўйича қиймати қуйидаги жадвалда келтирилади.

Счёт	Мазмуни	минг сўм
		01.01.2023 йилга қолдиқ:
0120	Бино ва иншоотлар	7 493 733,7
0130	Машина ва асбоб ускуналар	137 997 903,4
0150	Компьютер жихозлари	295 592,7
0160	Транспорт воситалари	5 901 665,3
0190	Бошқа асосий воситалар	341 930,2
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>152 030 825,4</b>

Счёт	Мазмуни	минг сўм
		01.01.2023 йилга қолдиқ:
0220	Бино ва иншоотларнинг эскириши	6 748 757,7
0230	Машина ва асбоб ускуналарнинг эскириши	133 420 323,5
0250	Компьютер жихозларининг эскириши	294 213,0
0260	Транспорт воситаларининг эскириши	5 578 534,4
0290	Бошқа асосий воситаларнинг эскириши	318 662,8
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>146 360 491,5</b>

Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича тузилган баланс кўрсаткичларидаги йил боши ҳамда йил охиридаги қолдиқ суммалар билан «1С Предприятие 8.3» бухгалтерия дастуридаги қолдиқ суммалар бир бирига мос келади.

### Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (0600)

Бошқа корхоналарнинг кимматли коғозларига, мамлакат ҳудудида ва хорижда тузилган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва бошқа корхоналарнинг устав капиталларига қилинган узоқ муддатли инвестициялар (қўйилмалар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 0610 "Кимматли коғозлар";
- 0620 "Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар";
- 0630 "Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар";
- 0640 "Чет эл капиталлари мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар";



0690 "Бошқа узоқ муддатли инвестициялар".

Активларни инвестициялар таркибига киритиш ва уларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 25 декабрда 65-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (12-БХМС) "Молиявий инвестициялар ҳисоби" билан тартибга солинади.

Жамият «1С Предприятие 8.3» дастури маълумотларига асосан узоқ муддатли инвестициялар ҳаракати қуйидагича бўлган:

Счет	Мазмуни	Давр бошига қолдиқ:	Йиллик айланма		Давр охирига қолдиқ:
			кирим	чиқим	
0690	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	215532,8	0,0	0,0	215532,8
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>215532,8</b>	<b>0,0</b>	<b>0,0</b>	<b>215532,8</b>

Узоқ муддатли инвестициялар бўйича жамият томонидан 2022 йилда дивиденд ва фоизлар тарзидаги даромадлар олмаган.

Узоқ муддатли инвестициялар бўйича 01.01.2023 йил ҳолатига тузилган бухгалтерия баланси маълумотлари билан бухгалтерия ҳисоби «1С Предприятие 8.3» дастури маълумотлари ўзаро тўғри келади.

**Товар моддий захиралар ҳисоби.**

Жамиятда материаллар таркибига БХМС №4га асосан сотиб олиш (кирим қилиниши) даврига эллик минимал ойлик миқдоридан кам бўлган ва қиймати харажатлар таркибига тўлиқ киритиладиган моддий қийматликлар киритилган.

2022 йил бошига ва охирига ишлаб чиқариш захиралари қолдиқлари бўйича айланма қуйидагича бўлган:

Счет	Материаллар номи	Давр бошига қолдиқ	(минг сўм)		Давр охирига қолдиқ
			кирим	чиқим	
1010	Хом ашё ва материаллар	5853313,2	20774229,0	20136965,6	6490576,7
1012	Обсадные трубы	406778,9	88310,3	95947,8	399141,4
1013	Бурильные трубы	9233325,5	2761193,5	2810193,5	9184325,5
1014	Бурильные трубы Б/У	262892,2	84271,8	98109,0	249055,0
1015	УБТ	2438977,6	1329795,7	1428176,0	2340597,4
1030	Ёқилғи	24016,4	11266282,8	10992886,6	297412,6
1040	Эҳтиёт қисмлар	38461,2	331454,8	331837,2	38078,7
1060	Идиш ва идишбоб материаллар	20,4	20,4	20,4	20,4
1080	Инвентар ва хўжалик жихозлари	751439,7	119476,4	1918705	6790456
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>19009225,0</b>	<b>36755034,8</b>	<b>35894136,0</b>	<b>18999207,7</b>

Жамиятда материал ва бошқа моддий қийматликлар ҳисоби субсчетлар бўйича кирим чиқимлари ҳисоботга илова қилиш орқали олиб борилган.

Кирим қилинган материаллар омборга тўлиқ счет фактура қийматида ККС сиз кирим қилинган. Ишлаб чиқаришга ва давр харажатларига чиқарилган қийматликлар далолатномалар асосида харажат қилинган. Материал ҳисоботларини ҳисоб китоби компьютер орқали юритилган.

Ишлаб чиқаришга ва давр харажатларига чиқарилган қийматликлар далолатномалар асосида харажат қилинган. Материал ҳисоботларини ҳисоб китоби компьютер орқали юритилган. Барча кирим чиқим ҳужжатлари имзоланган ҳолда ҳисоботга илова қилиб тикилган.

## Ишонч қоғозлари.

Жамиятда ишонч қоғозлари билан ишлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 7 майдаги 62-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Товар моддий бойликларини олишга ишончномалар бериш ва уларни расмийлаштириш тартиби" тўғрисидаги низом талаблари бажарилиши текширилганда қуйидагилар аниқланди:

Жамиятда ишонч қоғозларини хисобини юритиш электрон тарзда "Didox.uz" сайти орқали юритилиб келинган. Хар бир ишонч қоғози кимга берилганлиги, берилган ишонч қоғозлари орқали махсулот ва материаллар келтирилганлиги ёки ишонч қоғозлари ишлатилмасдан бекор қилинганлиги тўғрисида тегишли белгилар кайд этиб борилган.

Жамиятда 2022 йил давомида жами 510 дона ишонч қоғози берилиб, шундан 466 дона берилган ишонч қоғозлари бўйича келтирилган махсулот ва материаллар киримга олинганлиги белгиланган. Бекор қилинган ишонч қоғозлари 44 донани ташкил этган. Ёпилмай жавобсиз қолган ишонч қоғозлари бўлмаган.

## Дебитор қарзлар ҳисоби.

Жамиятнинг бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2023 йил 1 январь ҳолатига жамиятнинг жорий дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича қарздорлиги қуйидагича бўлган.

		(минг сўм)
Счет	Мазмуни	01.01.2023 йилга қолдиқ:
4000	Харидор ва буюрмачиларнинг қарзи	18 598 916,0
4300	Мол ётказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар	31 897 633,0
4500	Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақлар	413 065,0
4800	Бошқа дебиторлик қарзлар	47 299,0
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>50 956 913,0</b>

Жамиятнинг юқоридаги 01.01.2023 йил ҳолатига 43 ҳисоб бўйича 31897633,0 минг сўм дебиторлик қарзларининг 3 дона хўжалик юритувчи субъектлар бўйича 1926934,3 минг сўми бўйича тўлов муддати 1 йилдан ўтиб кетган.

Қуйидаги жадвалда муддати бир йилдан ўтган дебитор қарздорлар рўйхати келтирилади:

		(минг сўм)
Ташкилот нома	Сумма	
АО "Сурхон Пармалаш Ишлари"	52 018,0	
АО "Узпаркурилиш"	300 896,7	
АО "Узпартаъминот"	1 574 019,6	
<b>ЖАМИ:</b>	<b>1 926 934,3</b>	

Давр охирига тузилган якуний баланс маълумотлари билан «1С Предприятие 8.3» бухгалтерия дастури маълумотларидаги қолдиқ суммалар бир бирига мос келади.

### Тавсия этилади:

Жамият раҳбарияти ва бош ҳисобчисига муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликка йўл қўймаслик чора-тадбирларини белгилаш тавсия этилади.

## Банк орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар.

Банк операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/12-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги тамонидан 2020 йил 13 апрель куни № 3229-рақам билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб китоблар тўғрисида"ги Низом асосида олиб борилганлигини аудиторлик текширувидан ўтказганимизда қуйидагилар аниқланди.

Жамият АТБ "ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК" Қоравулбозор филиалида 20210000300425261001 (МФО:00085) асосий ҳисоб рақами ва бошқа жорий ҳисоб рақамлари билан фаолият кўрсатиб келган бўлиб, республикадан ташқаридаги банкларда жорий ва валюта ҳисоб рақамлари очилмаган.

Жамиятнинг банкдаги жорий ҳисоб-рақамлари бўйича банк кўчирмалари бухгалтерия проводкалари 2022 йил «1С Предприятие 8.3» дастуридан фойдаланилган ҳолда юритилган. Аудиторлик текшируви давомида асосий жорий ҳисоб рақамлари бўйича кирим-чиқимларини таҳлил қилинди.

Қуйидаги жадвалда Жамиятнинг асосий ҳисоб рақами бўйича 2022 йил кирим-чиқимлари таҳлили келтирилади:

Ҳисоб рақамлар номи	Давр бошига қолдиқ:	(минг сўм)		
		кирим	чиқим	Давр охирига қолдиқ:
Асосий ҳисоб рақам	0,0	14 692 426,8	14 692 426,8	0,0
Махсус ҳисоб рақам	529 874,9	35 302 224,8	35 752 388,5	79 711,2
<b>ЖАМИ:</b>	<b>529 874,9</b>	<b>49 994 651,7</b>	<b>50 444 815,4</b>	<b>79 711,2</b>

Жамиятнинг баланс кўрсаткичи маълумотларини банк кўчирмалари бўйича бухгалтерия маълумотларига солиштириб кўрилганда фарқ қилиш ҳолатлари аниқланмади. Давр бошидаги ҳамда охиридаги ҳисоб рақамларда қолган қолдиқ суммалар йил якуни бўйича тузилган баланс ҳисоботларида тўғри акс эттириб келинган.

## Кредитор қарзлар ҳисоби.

Жамиятнинг юридик ва жисмоний шахслар олдидаги жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган 6000-6900 "жорий мажбуриятлар" ҳисобларида юритилган.

Жамият бухгалтерияси томонидан тақдим этилган маълумотлар бўйича 2022 йил охирига кредиторлик қарзлари қуйидагича бўлган:

Счет	Мазмуни	(минг сўм)
		Давр охирига қолдиқ:
6000	Мол етказиб берувчи ташкилотлар билан ҳисоб китоблар	3 858 276,0
6400	Бюджетга тўлов бўйича қарзлар	2 142 714,0
6600	Таъсисчиларга қарзлар	1 145 379,0
6700	Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб китоблар	1 858 239,0
6900	Бошқа кредитор қарзлар	124 277,0
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>9 128 885,0</b>

2023 йил 1 январь ҳолатига тузилган баланс маълумотлари билан «1С Предприятие 8.3» бухгалтерия дастури маълумотларидаги қолдиқ суммалар бир бирига мос келади.

## Меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш ҳисоби.



Жамиятда ходимларга ҳисобланган асосий иш ҳақи, қўшимчалар, мукофотлар ва бошқа ҳисоблашишлар 6710 «Мехнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ҳисобида амалга оширилган. Жамиятнинг бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича

Жамиятнинг 2022 йил бошига 2619,4 минг сўм, йил охирига эса 115408,6 минг сўм ходимлардан иш ҳақи ва бошқа ҳисоблашлардан кредиторлик қарзи бўлган.

Қуйидаги жадвалда 2022 йил меҳнат қилган ишчи ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақи бўйича умумий ҳисоб китоблар келтирилади:

(минг сўм)					
Счёт	Мазмуни	Давр бошига қолдиқ	дебет	кредит	Давр охирига қолдиқ
6710	Мехнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб китоблар	2619,4	24125392,9	24238182,1	115408,6
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>2619,4</b>	<b>24125392,9</b>	<b>24238182,1</b>	<b>115408,6</b>

2022 йил давомида жами ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа ҳисоблашишлар 24238182,1 минг сўмни ташкил этган бўлиб ҳисобланган иш ҳақларидан ушланмалар, пластик карточка орқали тўланган иш ҳақлари ва бошқа тўловлар 24125392,9 минг сўмни ташкил этган.

Жамиятда ходимларнинг ҳафталик иш кунлари 5 иш кун белгиланган, ҳисоблашишлар асосий иш ҳақи, қўшимчалар, мукофотларга ва жисмоний шахларнинг бошқа даромадларига тўғри келган.

Ходимларга ҳисобланган иш ҳақлари вақтбай асосида ҳисобланган. Ҳисобланган иш ҳақлар штат жадвали ва табеллар асосида бўлиб, иш ҳақи ва бошқа ҳисоблашлар ва ушланмалар ҳисобланиши тўлиқ компютерлаштирилган.

Меҳнат таътили ҳисоблаш бўйича ҳисоб китоблар ўртача иш ҳақини ҳисоблаш тартиби бўйича амалга ошириб келинган.

### Хусусий капиталлар ҳисоби

Ушбу бўлимнинг счётлари Жамиятнинг хусусий капитали ҳолати ва ҳаракати, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ ва (ёки) таъсис ҳужжатларига мувофиқ, ташкил этилган резервлар ва фондлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Хусусий капитал жамиятнинг активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқдир. Хусусий капитал мулк эгаси томонидан амалга оширилган қўшимча инвестициялар, фаолият натижаларига боғлиқ ҳолда қўпайиши ёки камайиши мумкин.

Жамиятда қуйидаги счётларда ҳисоб юритиш тартиби ёритилади:

- 8300 – Оддий акциялани ҳисобга олувчи счётлар;
- 8500 - Резерв капитални ҳисобга олувчи счётлар;
- 8700 - Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётлар.
- 8800 - Мақсадли тушумлар

01.01.2023 йил ҳолатига тақдим этилган баланси кўрсаткичларига кўра хусусий капиталлар счётларида қуйидаги қолдиқлар мавжуд бўлган:

(минг сўм)			
Счёт	Мазмуни	01.01.2022 йилга қолдиқ:	01.01.2023 йилга қолдиқ:
8300	Устав капитали	22 744 120,0	22 744 120,0
8500	Резерв капитали	38 855 093,0	38 855 093,0
8700	Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	12 666 871,0	13 255 558,0
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>74 266 084,0</b>	<b>74 854 771,0</b>

Жамият хусусий капиталы шаклланиши таҳлил этилганда хисобот даври давомида рўйхатдан ўтказувчи орган маълумотларига кўра Устав капиталы таркибида ўзгаришлар бўлганлиги сабабли, 8330 "Пай ва улушлар" счётидаги қолдиқ суммаси йил боши ва йил охирига 22744120,0 минг сўмдан иборат бўлган.

Жамиятнинг устав капиталы «1С Предприятие 8.3» дастури маълумотларига кўра тўғри акс эттирилган, 2022 йил якуни бўйича тузилган ва солиқ органига тақдим этилган молиявий хисоботнинг 1 шакли- "Бухгалтерия баланси"нинг пассив томони 410-сатрида Устав капиталы суммаси хисобот даври бошига ва охирига тўғри акс эттирилганлиги маълум бўлди.

Жамиятнинг 8500-счёт "Резерв капиталы", 8700-счёт "Тақсимланмаган фойдаси", 8800-счёт "Мақсадли тушумлар" бўйича «1С Предприятие 8.3» дастури маълумотлари билан молиявий хисоботнинг 1 шакли- "Бухгалтерия баланси" кўрсаткичлари бир-бирига мос келади.

**2022 йил якуни бўйича "Молиявий натижалар хисоботи" (2-шакл) таҳлили**

Жамиятнинг асосий фаолиятларидан бири "Neft va tabiiy gaz qazib olish sohasidagi texnik xizmatlar" кўрсатишдан иборат бўлиб 2022 йил якуни бўйича молиявий ҳолати қуйидагича бўлган:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	Хисоботда		Аудитда		Фарқи+;-
	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат	
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	62,327,524.0	х	62,327,524.0	х	0.0
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	х	50,573,143.0	х	50,573,143.0	0.0
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	11,754,381.0	0.0	11,754,381.0	0.0	0.0
Давр харажатлари, жами шу жумладан:	х	14,240,882.0	х	14,240,882.0	0.0
Сотиш харажатлари	х		х		
Маъмурий харажатлар	х	2,661,790.0	х	2,661,790.0	0.0
Бошқа операцион харажатлар	х	11,579,092.0	х	11,579,092.0	0.0
Хисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари	х		х		
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	5,785,488.0	х	5,785,488.0	х	0.0
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	3,298,987.0	0.0	3,298,987.0	0.0	0.0
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами шу жумладан:	0.0	х	0.0	х	0.0
Дивидендлар шаклидаги даромадлар		х		х	
Фоизлар шаклидаги даромадлар		х		х	
Молиявий ижарадан даромадлар		х		х	
Валюта курси фарқидан даромадлар		х		х	
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари		х		х	
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	х	0.0	х	0.0	0.0
Фоизлар шаклидаги харажатлар					
Молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	х		х		
Валюта курси фарқидан зарарлар	х		х		
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	х		х		

Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)	3,298,987.0	0.0	3,298,987.0	0.0	0.0
Фавқуллоддаги фойда ва зарарлар					
Фойда солигини тўлагунга қадар фойда (зарар)	3,298,987.0	0.0	3,298,987.0	0.0	0.0
Фойда солиғи	x	827,087.0	x	827,087.0	0.0
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	x		x		
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	2,471,900.0	0.0	2,471,900.0	0.0	0.0

Жамият томонидан аудитга тақдим этилган ҳужжатлар ва «1С Предприятие 8.3» бухгалтерия дастури маълумотларига кўра ҳисобот даврини 2022 йил якуни бўйича 2471900,0 минг сўм фойда билан яқунлаганлиги маълум бўлди.

### Асосий фаолиятнинг даромадлари.

Товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, тугрисидаги ахборотларни умумлаштириш куйидаги сўмларда амалга оширилади:

9010 "Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар";

9020 "Товарларни сотишдан даромадлар";

9030 "Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар"

Даромадлар сўмларида сотишдан тушган соф тушум суммаси акс эттирилади ва ҳисобот даврининг охирида 9910 "Яқуний молиявий натижа" сўми билан ёпилади.

2022 йил давомида аудитга тақдим этилган банк ҳужжатлари ва сўм фактуралар бўйича кўрсатилган хизматларидан олган даромадлари куйдагича бўлган:

Сўм	Сўм	Сўм
Сўм	Сўм	Сўм
		(минг сўм)
Сўм	Даромад турлари	Сўм
9030	Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар	62 327 524,4
	ЖАМИ:	62 327 524,4

Жамиятнинг асосий фаолиятдан олинган даромадлари жами 62327524,4 минг сўмдан иборат бўлиб 2022 йил якуни бўйича тузилган "Молиявий натижалар ҳисоботи" (2-шакл) 010-сўмида тўғри акс эттирилиб кўрсатилган.

### Сотилган маҳсулот (иш хизматлар) таннархи

Жамиятда асосий фаолияти бўйича сотилган маҳсулот таннархи тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш куйидаги сўмларда амалга оширилади:

9110 "Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи";

9120 "Сотилган товарлар таннархи"

9130 "Бажарилган иш ва хизматлар таннархи"

Аудит текширувида жамият томонидан 2022 йилда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи асосан 9110-сўм "Бажарилган ишлар таннархи" ва 9120-сўм "Сотилган товарлар таннархи" сўмларида юритилган.

2022 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботнинг 2-шакли «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» нинг 020-сўмида кўрсатилган сотилган маҳсулотлар таннархи 50573143,6 минг сўм кўрсатилган.

Сотилган махсулотлар таннархи 2000 "Асосий ишлаб чиқариш" счёти кредитидан 9130 "Бажарилган иш ва хизматлар таннархи" счёти дебетига олиб борилган.

**Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари аудити.**

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 9310 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда";
- 9320 "Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда";
- 9330 "Ундирилган жарима, пеня ва устамалар";
- 9340 "Ўтган йиллар фойдалари";
- 9350 "Қиска муддатли ижарадан даромадлар";
- 9360 "Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар";
- 9370 "Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари";
- 9380 "Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам";
- 9390 "Бошқа операцион даромадлар".

Жамият томонидан 2022 йил мобайнида олган асосий фаолиятдан бошқа даромадлари қуйидагича бўлган:

(минг сўм)		
Счет	Даромад турлари	Сумма
9390	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	5 785 488,2
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>5 785 488,2</b>

Жамиятнинг асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари жами 5785488,2 минг сўмдан иборат бўлиб 2022 йил якуни бўйича тузилган "Молиявий натижалар ҳисоботи" (2-шакл) 090-сатрида тўғри акс эттирилиб кўрсатилган.

**Давр харажатлари.**

Ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган сотиш харажатлари, бошқарув харажатлари, бошқа операцион харажатлар, шунингдек келгусида солиқ солинадиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш

- 9410 "Сотиш харажатлари";
- 9420 "Маъмурий харажатлар";
- 9430 "Бошқа операцион харажатлар"; счётларида олиб борилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг 2 шакли «Молиявий натижалар тўғрисида» ҳисобот маълумотларига кўра жамиятда 2022 йил давомида давр харажатлари ҳисоби 9410 "Сотиш харажатлари", 9420 "Маъмурий харажатлар" ва 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счётида юритилган.

2022 йил давр харажатлари тўғрисидаги аудит тахлили маълумотлари қуйидаги жадвалда келтирилади:

(минг сўм)				
Счёт	Давр харажатлари	Сумма		
		Ҳисоботда	Аудитда	Фарқи +/-
9420	Маъмурий харажатлар	2 661 790,1	2 661 790,1	0,0
9430	Бошқа операцион харажатлар	11 579 092,2	11 579 092,2	0,0
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>14 240 882,3</b>	<b>14 240 882,3</b>	<b>0,0</b>

Жамиятнинг бухгалтерия маълумотлари бўйича 2022 йил якунида 9420 «Маъмурий харажатлар» счётида 2661790,1 минг сўмлик маъмурий бошқарув ва

9430 "Бошқа операцион харажатлар" счётида 11579092,2 минг сўмлик жами 14240882,3 минг сўмлик харажатлар ҳисобга олинган.

**Солиқ ва бошқа мажбурий ажратмалар  
тўловларини ҳисоблаш таҳлили.**

Текширилаётган давр мобайнида Жамиятнинг фаолияти бўйича тармоқ коди 09100 - Neft va tabiiy gaz qazib olish sohasidagi texnik xizmatlar дан иборат бўлиб 2022 йил мобайнида Давлат Солиқ Инспекциясига қуйидаги солиқ ва мажбурий тўловларни тўловчиси бўлган:

- ✓ Қўшилган қиймат солиғи;
- ✓ Фойда солиғи;
- ✓ Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китоби;
- ✓ Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун тўланадиган ер солиғи ҳисоб-китоби;
- ✓ Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби;
- ✓ Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ тўлови;

Аудит таҳлили Жамият бухгалтерияси томонидан тақдим этилган бирламчи бухгалтерия ҳужжатларига асосан танланма усулда ўтказилди. Тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ҳамда тўлиқлиги учун жавобгарлик Жамият раҳбарияти зиммасига юклатилган. Бизнинг вазифамиз шу тақдим этилган молиявий ҳисоботлар ва ҳужжатлар юзасидан тўғри ва ҳолис ҳулоса чиқариб беришдан иборат.

**Қўшилган қиймат солиғи бўйича**

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш Солиқ Кодексининг Х-бўлим 31-боб 237-282-моддаларига асосан солиқ ҳисобланадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган.

Солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мавжуд бўлганда солиқ солинадиган оборотга, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборотга, шунингдек юридик шахснинг ўз эҳтиёжлари учун (харажатлар сифатида қараладиган) оборотга тўғри келадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинадиган сумма қўшилган қиймат солиғи тўловчининг танловига биноан алоҳида-алоҳида ва (ёки) мутаносиб усулда аниқланади.

Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича ДСИга тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби қуйида келтирилади:

Кўрсаткичлар	(минг сўм)	
	Сатр коди	Сумма
Солиқ даврида ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммаси	010	3075056,5
Товарларни (хизматларни) реализация қилиш обороти бўйича ҚҚС суммаси	020	9419976,4
Бюджетга тўлананиши (камайтирилиши) лозим бўлган ҚҚС суммаси, жами	030	6344919,9

2022 йил якуни бўйича тузилган бухгалтерия маълумотларига кўра мол етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналардан келтирилган товар моддий



қийматликлар, улар томонидан бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан ажратилган ва ҳисобот учун қабул қилинган ҚҚС суммаси 3075056,5 минг сўмдан иборат бўлган.

Жамият томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга тегишли ҚҚС суммаси 9419976,4 минг сўмдан иборат бўлиб, Жамият томонидан давлат бюджетига тўлаш учун 6344919,9 минг сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган.

### Фойда солиғи ҳисоблаш аудити.

Жамият томонидан 2022 йил якуни натижалари бўйича давлат солиқ инспекциясига топширилган фойда солиғи ҳисоботи ва аудит текшируви якуни бўйича ҳисобланган фойда солиғи тўғрисидаги маълумотлар қуйидагича бўлган.

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Жами даромадлар	010	68113012,6
Чегириладиган харажатлар	020	62599098,7
Солиқ солинадиган фойда	030	5513913,9
Имтиёзлар - жами	040	0,0
Солиқ базаси	060	5513913,9
Фойда солиғининг белгиланган ставкаси, фоизда	070	15
Фойда солиғи суммаси – жами	080	827087,1

Жамият тамонидан фойда солиғи бўйича ДСИга тақдим этган ҳисоботларида фойда солиғи суммаси 827087,1 минг сўм кўрсатилган. Аудит текширувида фойда солиғи ҳисоб-китобини ҳисоблашда ҳисоботларга нисбатан қўшимча ёки камайтириш учун фарқ аниқланмади.

### Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҲИСОБ-КИТОБИ аудити.

Ижтимоий солиқни ҳисоблаш солиқ кодексининг XIV бўлим, 58-боб, 402 моддалари ва Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш VIII бўлим, 52-боб, 364 моддаси асосида ҳисобланадиган базадан келиб чиқиб ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланди.

Жамият тамонидан ва аудиторлик текшируви якунига кўра 2022 йил учун Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоб китоби қуйидагича ҳисобланган:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ҳисобланган даромад суммаси	Ижтимоий солиқ			Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
		Жами	Умум Белгиланган ставка бўйича	Бошқа ставкалар бўйича	
Ҳисобланган даромадларнинг умумий суммаси	24237401,8	х	х	х	х
шундан:					
Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган даромадлар	23867414,9	23867414,9	23867414,9		х
Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлмаган даромадлар	369986,9	х	х	х	х
Ижтимоий солиқ	х				х

ҳисобланмайдиган тўлов турлари					
Жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари	x	x	x	x	689122,2
Солиқ базаси	x	23867414,9	23867414,9		23548279,6
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ижтимоий солиқ ставкаси, %	x	x	12		12
Ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ижтимоий солиқ суммаси	x	2864089,8	2864089,8		2825793,6

Аудит текшируви якуни бўйича Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобини ҳисоблашда қўшимча ёки камайтиш учун фарқлар борлиги аниқланмади.

### III. ЯКУНИЙ ҚИСМ

#### Аудиторлик текшируви якуни бўйича тавсиялар:

- Давлат бюджетига солиқларни ҳисоблашда Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ Кодекси» ва унга киритилган ўзгаришларга амал қилиш;
- Жамиятда ички назорат тизимини янада кучайтириш;
- Бухгалтерия программасида тайёрланган бухгалтерия регистрлари (бош китоб, сётлар бўйича оборот-сальдо ведомостлари, бухгалтерия ўтказмалари кабилар) хар бир ҳисобот даври тугаганан сўнг қоғозга печат қилиб тикиб борилишини таъминлаш;
- Шартномалар тузилишида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодекси» ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида тузилиши, Шартномаларни бажарилишини назорат қилиш мақсадида шартномаларни рўйхатга олиш дафтарини юритиш, шартномаларни тўғри тузилиши ва шарнома шартларини тўғри бажарилишини назоратга олиш;
- Аудит текширувида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш;
- Жамият раҳбариятига ҳисобот даври яқунлари бўйича баланс ҳисоботларини тузишдан олдин барча дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бўйича ўзаро солиштирма далолатномалар тузиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни инвентаризация қилиш орқали аниқлаштириш, баланс ҳисоботи кўрсаткичлари билан бухгалтерия учёти маълумотлари ўртасида фарқ бўлишига йўл қўймаслик;

#### Аудиторлик текшируви якуни бўйича хулоса.

Аудиторлик текшируви давомида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича берилган тавсиялар молиявий хўжалик фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, шунингдек назорат қилувчи органлар томонидан қўйилиши мумкин бўлган жарималарни олдини олиш, бухгалтерия ҳисобини юритилиши сифатини яхшилаш ва ички назорат тизимини яхшилаш имқониятини беради.



Аудиторлик текшируви натижасида биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз. Аудит текшируви давомида айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди, айримларини бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «BUXORONEFTGAZPARMALASH» акциядорлик жамияти 2022 йил якуни бўйича молиявий хўжалик фаолияти юзасидан тузилган ҳисоботларини молиявий ахволини тўғри акс эттиради, Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ келади.

**МЧЖ «NAZORAT-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ  
ДИРЕКТОРИ:**

**Б.Н.НАЗАРОВ**

**АУДИТОР:**

**Б.Н.НАЗАРОВ**

